ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

ТАЪЛИМ СИФАТИ БОШҚАРУВИ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Саодат Абдурашидовна Тоштемирова
Чирчиқ давлат педагогика институти

Лочин Ғайратович Мухаммадиев
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бўлажак мутахассисларни тайёрлашда долзарб аҳамият касб этадиган таълим сифати ва уни бошқаришнинг моҳияти таҳлил қилинган, унинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари келтириб ўтилган ҳамда таълим сифати менежменти йўналишидаги ёндашувлар изоҳланган. Таълим сифатини бошқаришнинг халқаро сифат стандартлари, унинг моделлари ва таркибий қисмлари асослаб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим сифати, таълим сифати менежменти, ёндашувлар, моделлар, “Деминг цикли”, сифатни ялпи бошқариш (TQM), халқаро сифат стандартлари, “француз” методи, “инглиз” методи.

EDUCATION QUALITY MANAGEMENT AND CHARACTERISTICS OF INTERNATIONAL MODELS IN THIS FIELD

Saodat Abdurashidovna Toshtemirova
Chirchik State Pedagogical Institute

Lochin Gayratovich Mukhammadiev
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article analyzes the quality of education and the importance of its management, which plays an important role in the training of future professionals, highlights its specific features and principles, and explains the approaches to quality management in education. International quality standards of education quality management, its models and components are substantiated.

Keywords: quality of education, quality of education management, approaches, models, “Deming cycle”, General Quality Control (GQM), international quality standards, “French” method, “English” method.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

КИРИШ

Таълим ва тарбия энг ноёб капитал сифатида қадрланаётган бугунги шароитда таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали барча инсонлар учун сифатли таълим олиш имкониятлари яратилмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида кадрлар тайёрлаш соҳаси олдига таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини замонавий талаблар асосида ошириш вазифасини қўймоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда бўлажак мутахассисларни юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиши талаб этилади.

Жаҳон амалиётида муайян мутахассислар касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий изланишларда таълим бошқаруви натижавийлигига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бунда асосий урғу таълим сифати менежментига қаратилмоқда. Бу йўналишдаги илмий изланишлар олий таълим тизимини бошқаришнинг назарий-методологик асослари, сифат менежменти ва таълим сифати мониторингини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлиги уйғунлигини илмий жиҳатдан асословчи таклифларни ишлаб чиқиш, олий таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Республикамизда кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий талабларига мос келадиган, демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган таълим сифати бошқарувини шакллантиришни тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамиз тадқиқотчилари Р.Аҳлидинов, Р.Жўраев, У.Иноятов П.Анисимов, Г.Бордовский, Д.Горбачевская, Д.Кутёва, О.Назарова, И.Позднякова, М.Поташник, П.Третьяков, B.Cole, E.El-Khawas, J.Goldberg, L.Harvey ва бошқа олимлар томонидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш технологиялари ишлаб чиқилган, таълим сифати бошқарувининг узлуксиз таълимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг умумий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

жараёни билан ўзаро алоқадорлигини белгилайдиган омиллар илмий асосланган.

Р.Х.Жўраев ва С.Т.Турғуновларнинг фикрича, таълим менежментининг асосий мақсади таълим-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда самарали бошқаришни таъминлашдан иборат. Таълим менежментининг функцияларини бажариш ва мақсадга эришиш методлари Л.И.Фишман, В.С.Безрукова, В.А.Кальней, Т.Д.Макароваларнинг ишларида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Хорижий олимлардан B.Burkhalter, B.Crumrine, J.Hackman, G.Kanji ва бошқаларнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш борасида ялпи сифат менежменти тамойиллари ва технологияларини жорий этиш масалалари ўрганилган.

Таълим ва таълим сифатини тадқиқ қилган М.М.Поташник, П.И.Третьяков, Т.И.Шамоваларнинг фикрича, таълим бошқаруви фанининг назарий-методологик асосини тизимли, функционал, синергетик, фаолиятли, вазиятли, рефлексив, миллий ҳудудий ва натижага асосланган ёндашувлар ташкил этади. Мазкур ёндашувлар таълимда самарали бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР

Таълим сифати менежменти натижавийлигини кафолатлаш учун таълим муассасалари раҳбар ходимлари бошқарувга бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган узлуксиз, изчил фаолият сифатида қараши лозим бўлади. Бунда таълим жараёнлари доимий ҳаракатдаги динамик ижтимоий тизим сифатида бошқарув объекти ҳисобланади ва у ижтимоий тизимларга хос бўлган барча хусусиятларни ўзида жамлайди. Таълим муассасаси ва ундаги таълим сифатини бошқаришга методологик ёндашувларни бошқарувнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим.

Таълим сифатини бошқариш таълимни бошқаришнинг умумий тузилмаси таркибига киради ва унинг самарадорлиги таълимнинг умумий бошқарувини сезиларли даражада ошишини таъминлаши мумкин бўлган тузилма ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим сифати менежменти таълим тизимидаги бошқарув фаолиятининг мавжуд назарияси ва амалиётини муҳим элементлар билан тўлдиради ва самарали натижавийлигини таъминлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

“Таълим сифати” сўз бирикмаси мамлакатимизда илк бор 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таълим сифати устидан давлат назоратига бағишланган модда ва бўлимларида расмий равишда қайд этилган. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини таъминлашга доир қатор назарий ва амалий ишланмаларнинг яратилишига туртки бўлмоқда. Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг тадқиқотларида таълим сифати деганда таълим жараёнининг турли иштирокчилари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси тушунилади.

Н.Шмырева, М.Губанова ва З.Крецанлар таълим сифати – ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга доир эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи таълим хизматлари истеъмоллилик хусусиятларининг мажмуаси, деб ҳисоблайди.

А.Воронин томонидан таълим сифати – жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини, шахснинг фуқаролик, ҳаётий ва касбий компетенцияларининг ривожланиши ҳамда шаклланиш эҳтиёжлари ва умидларига мувофиқлигини аниқловчи категория тарзида талқин қилинган.

Е.Домбровская таълим сифатини таълимнинг Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим дастурининг ўқув-дастурий ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, деб эътироф этади. Адабиётлар таҳлили умумлашган маънода, таълим сифатига инсон эҳтиёжи ҳамда жамият ва давлат манфаатларини қондирувчи хусусиятлар йиғиндиси сифатида қаралганлигини кўрсатади.

Юқоридаги тавсифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим сифати – таълим олувчилар билимининг ҳалқаро давлат стандартларига мослиги, турли даражалардаги таълим муассасаси сифат натижавийлиги, муассасанинг муваффақиятли фаолияти, шунингдек, таълим жараёни иштирокчиларининг инновацион таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижаси ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида “таълим сифати менежменти”ни тавсифлашга бўлган турли ёндашувларнинг мавжудлиги қайд этилди, жумладан, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалиловлар таълим сифатини бошқариш – муайян ижтимоий ва педагогик шарт-шароитларнинг таъсири оқибатида юзага келган ва кўп функцияли вазифаларни ўз ичига олган тизим, деб таърифлайди.

М.Поташник, В.Панасюк ва бошқалар таълим сифатини бошқаришни рақобатбардош мутахассисни шакллантиришга бўлган ижтимоий буюртмани қондиришга йўналтирилган кўп ўлчовли мослашувчан тизим, деб ҳисоблайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

Н.Селезнева, А.Субеттолар таълим сифатини бошқариш – таълимдаги барча объект ва жараёнларнинг сифатини бошқаришдир, деб таъкидласа, О.Назарова таълим сифатини бошқаришни билим сифати ва маълумотлилик даражасининг ошишига олиб келувчи жараёнлар, муолажа ва амалиётларни бошқариш, деб эътироф этади.

Таълим сифати менежменти – таълимнинг олдиндан башоратланган натижаларига эришишга йўналтирилган бошқарув бўлиб, сифатни таъминлаш тадбирларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларини самарали меҳнатга қизиқтириш, мақсадлардан четга чиқишларни аниқлаш, ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнларидан иборат бўлган, таълим муассасаси фаолиятининг барча йўналишларини ўзини-ўзи баҳолаш асосида доимий такомиллаштириб бориш тизимидир.

МУҲОКАМА

Таҳлил қилинган тадқиқотлар таълим сифати бошқаруви йўналишида турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди ва уларни изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Сифат менежменти асосчиси В.Шухарт маҳсулот сифатини ҳар бир қисмини назорат қилишга асосланган ёндашувни технологик жараёнларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашга қаратилган методика билан алмаштиришни таклиф қилган. Унинг сифатни доимий яхшилаб бориш зарурлиги тўғрисидаги ғояси Э.Деминг томонидан ривожлантирилиб, ишлаб чиқариш амалиётига PDCA (Plan-Do-Check-Act), яъни РБНҲ (Режалаштириш-Бажариш-Назорат-Ҳаракат) – “Шухарт-Деминг методи” ёки “Деминг цикли” номи билан жорий этилди. Кейинги сифат менежменти мутахассиси А.Фейгенбаум сифатни ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва яхшилаш босқичларидан иборат бўлган Сифатнинг Ялпи Назорати (Total Quality Control) тушунчасини киритди.

Шухарт, Деминг ва Фейгенбаумлар томонидан жорий этилган мазкур сифат менежменти методи асосида сифатни ялпи бошқариш концепцияси (Total Quality Management – TQM) ишлаб чиқилди. Унинг моҳияти бошқаришнинг таълим муассасасини муваффақиятига олиб борувчи тамойилларидан фойдаланишдан иборат. TQM концепциясида сифатни бошқаришга доир аввалги концепцияларга хос бўлган барча ижобий жиҳатлар ўз аксини топган. У ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина замонавий менежмент тизимларининг асосини ташкил қилади. TQMнинг кўпгина ёндашувлари ISO

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

оиласига кирувчи халқаро сифат стандартларининг замонавий авлоди ғоялари таркибига киритилган.

В.Нуждиннинг таъкидлашича, TQM тамойилари ва методларини таълим хизматлари соҳасига мослаштириш натижасида сифатни режалаштириш, назорат қилиш ва яхшилаш фаолият турларини ажратиб олиш имконияти пайдо бўлган. Дастлаб иқтисодиётнинг саноат сектори учун ишлаб чиқилган TQM тамойиллари хорижий таълим муассасаларини бошқариш амалиётида кенг фойдаланилган, АҚШ таълим тизимида 1985 йилдан бошлаб TQM қўлланила бошланган ва 1996 йилга келиб сифатни такомиллаштириш тамойилларидан 252 таълим муассасаларида фойдаланила бошланган. TQM стандартлари тавсиялари бўйича яратилган таълим сифатини бошқариш тизими қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- истеъмолчиларга мўлжалланганлиги;
- таълим муассасаси раҳбариятининг етакчилиги;
- таълим муассасаси ходимларини жалб қилишнинг кенг қамровлилиги;
- олий таълим муассасаларида бошқарув қарорларининг аниқ далиллар асосида қабул қилиниши;
- тизимли ёндашув асосидаги бошқарув;
- таълим сифатини доимий яхшилаш;
- субъектлар манфаатдорлиги;
- бошқарувга жараён сифатида ёндашиш ва ҳоказо.

Буюк Британияда TQM методикасидан 1990 йиллардан бошлаб фойдаланилган бўлиб, сифатни ялпи бошқариш концепциясини қўллаш ташаббуси дастлаб АҚШ таълим муассасалари томонидан амалга оширилган. Сифат менежменти бўйича жорий этилган TQM методологияси бугунги кунда ривожланиб, Канада, Норвегия, Нидерландия, Бразилия, Португалия, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби мамлакатлар бундан самарали фойдаланиб келмоқда.

Аксарият хорижий давлатларда таълим сифатини баҳолаш икки таркибий қисмдан, яъни ички (ўзини-ўзи баҳолаш) ва ташқи баҳолашдан иборат бўлиши лозимлиги, шунингдек, мазкур ташкил этувчиларнинг аниқ механизмлари ҳар хил бўлиши мумкинлиги тан олинади. Сифатни ташқи баҳолаш тизими кўпроқ стандартлар ва иқтисодий самарадорлик билан, ички баҳолаш тизими эса рақобатбардошлик ва ривожланишга йўналтирилган такомиллаштиришлар билан алоқадорликда тушунилади. Дунёда мавжуд таълим сифатини баҳолаш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

тизимларини ҳам уларда ташқи ёки ички баҳолашга урғу берилишига қараб, шартли равишда, икки моделга бўлиш мумкин.

Биринчи, таълим муассасаларининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини аттестация, аккредитация ва назорат қилиш воситасида ташқи баҳолашга асосланган "француз" модели. Бунда таълим муассасаси томонидан ўзини-ўзи баҳолашга юзаки қаралади, чунки асосий эътибор ташқи баҳолашни самарали ўтказишга қаратилади.

Таълим сифатини баҳолашнинг иккинчи – "инглиз" модели асосини таълим муассасаси томонидан ички баҳолаш ташкил қилади. Француз модели Франция, Норвегия, Чехия, Латвия, Эстония каби Европа мамлакатларида, инглиз модели Буюк Британия, Дания, Германия, Словения, Польша, АҚШ, Лотин Америкаси давлатларида қўлланилади. АҚШ, Финляндия ва бошқа айрим мамлакатларда таълим сифатини баҳолашнинг ҳар иккала моделидан самарали фойдаланиб келмоқда.

Демак таълим сифати назорати ички ва ташқи баҳолашдан иборат бўлиб, мазкур баҳолашларнинг механизмлари турлича бўлиши ва таълим сифатини таъминлашда ички баҳолаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳон олий таълим тизимида 10 дан ортиқ таълим сифати менежменти моделлари қўлланилиб келинмоқда ва бу моделлар олий таълим муассасаларининг сифат бўйича талаб қилинган натижаларига эришига қаратилган фаолият жараёнлари ва жиҳатларига нисбатан белгиланган талаблар ва кўрсаткичлар, тамойиллар, методлар ҳамда ушбу жараёнларнинг такомиллашув даражасини белгилаб берувчи мезонлар, уларни баҳолаш йўллари йиғиндиси деб тушунилади. Сифатни баҳолашга асосланган моделлар тизимли равишда ўз-ўзини баҳолаш, SWOT –таҳлили востасида ОТМ фаолиятининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш ва камчиликларни бартараф этишни назарда тутади.

Таълим дастурини амалга ошириш самарадорлиги таълим бериш методи, ўқитиш сифатини баҳолаш механизмининг мавжудлиги ва самарадорлиги каби кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Таълим дастурларини ички баҳолаш натижасида таълим муассасаси томонидан ўқитишнинг анъанавий ва интерфаол шакллари, уларнинг ўзаро нисбати, таълим олувчиларнинг якуний натижалари, ўқитиш методлари ва уларнинг қабул қилиниши ҳақидаги маълумотлар шакллантирилади. Мазкур маълумотларни эътиборга олган ҳолда таълим дастурини ўқитиш методлари, талабалар билимини баҳолаш механизмларининг мавжудлиги ва самарадорлиги ҳамда ўқитиш сифати

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

назорати механизмлари каби кўрсаткичлар асосида ташқи баҳолаш амалга оширилади. Шунингдек, экспертлар таълим дастурини ташқи баҳолаш жараёнида унинг сифатини баҳолаш мезонларига (юқори, ўртача, паст даражада) мослигини аниқлайдилар ва дастурнинг ўқув-услубий таъминоти, зарур ўқув адабиётларнинг мавжудлиги ва миқдорининг етарлилиги, ўқув жараёнининг моддий-техника таъминоти каби асосий кўрсаткичлар бўйича баҳолашни амалга оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички назорат тизими ёрдамида тўпланган маълумотлар асосида муассасадаги таълим сифатининг ташқи экспертизасини етарли даражада холис ўтказиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўқув-билув жараёнларини сифатли тарзда бошқариш механизмларини янада такомиллаштиришни, демократик, инсонпарварлик тамойилларга асосланган таълим бошқарувини шакллантириш зарурлигини талаб қилмоқда. Айниқса, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш соҳасининг сифат босқичида мамлакатимиз умумий ўрта таълим муассасаларидаги таълим сифати ва самарадорлигини доимий тарзда ошириб бориш зарурати мактаб ўқитувчилари касбий-педагогик копметенцияларини янада ривожлантириш, улардаги таълим сифатини бошқаришни замон талаблари даражасида ташкил этишни тақозо қилади.

TQM (сифатнинг ялпи менежменти) концепцияси асосида ишлаб чиқилган сифат бошқаруви тизими нафақат таълим жараёни, балки муассасада кечадиган барча жараёнларнинг сифатини ўзини-ўзи баҳолаш механизми асосида такомиллаштириб боришга қаратилганини эътиборга олиб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасаларида айнан ана шу концепцияга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Таълим муассасаларида сифат менежментининг жорий этилиши истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш асосида таълимни ривожлантириш стратегиясининг барқарор тараққиёт, узлуксиз таълим, билимларнинг глобаллашув концецияларини эътиборга олган ҳолда сифат муаммоларини ҳал қилиш имкониятини беради.

REFERENCES

1. Нуждин В.Н. Информатизация и система тотального управления качеством высшего образования: лекция-доклад. –М.: Исслед.центр проблем качества подготовка специалистов, 1998. – 250 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00466

2. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ҒОяларнинг ахамияти. МуҒаллим ҳәм Үзликсиз билимлендириу, 1(1). 56-61.
3. Абдурахманова Ж.Н., Тоштемирова С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442.
4. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // “Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development” collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
5. Klaus L.A. Quality Progress Sixth Quality in Educfion Listing / Quality Progress/ - 1996/ August. P. 336.
6. Toshtemirova S.A. (2020). Ta‟lim va tarbiyaning demokratik hamda insonparvarlik tamoyili. Maktab va hayot, 1(1), 36-38.
7. Мустафақулов А.А. Педагогик кадрларни ялпи сифат бошқаруви шароитида тайёрлаш тизими / Пед. ф. ф. док.дисс. –Т.: 2019.
8. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5.
9. Селезнева Н.А. Качество высшего образования как объект системного исследования: лекция-доклад. - М.: 2001. – 79 с.
10. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
11. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. NamDU ilmiy axborotnomasi, 1(11), 361-367.
12. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.